

Буюк ой



19:06 / 26.05.2017 4745

Рамазон оyi яқинлашганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга бу муборак оyнинг фазлини баён қилиб берадиган хутба қилардилар.

Салмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Бизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Шаъбон оyининг охири кунида хутба қилдилар: **“Эй одамлар, сизларга муборак буюк ой соя солди. Унда минг ойдан яхшироқ кеча бор. Аллоҳ рўзасини фарз қилди, қиёмини ихтиёрий қилди. Кимки яхшиликдан бир хислат билан у оyга яқинлашса, фарзни адо қилган кимса кабидир. Кимки фарзни адо қилса, етмиш фарзни адо қилган кимса кабидир. У сабр ойдир. Сабрнинг савоби жаннатдир. Ва тенглик ойдир. Унда мўминнинг ризқи зиёда бўлади. Кимки у ойда бир рўзадорни ифтор**

қилиб берса, гуноҳларига мағфират бўлади ва дўзахдан бўйнини (ўзини) озод қилади. Унга рўзадорнинг ажридан ҳеч нарса кам бўлмасдан унинг ажрича ажр бўлади”.

Шунда саҳобийлар:

“Эй Аллоҳнинг Расули, ҳаммамиз ҳам рўзадорга ифтор қилиб берадиган нарсани тополмаймиз”, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ бу савобни бир рўзадорни бир дона хурмо ёки бир қултум сув ёки бир ютум сутга ифтор қилиб берган кимсага беради. У оининг аввали раҳмат, ўртаси мағфират ва охири дўзахдан озод қилишдир. У ойда тўрт хислатни кўпайтиринглар: икки хислат билан Роббингизни рози қиласизлар. Ва икки хислатдан беҳожат бўлмайсизлар (сизларга жуда зарурдир). Аллоҳни рози қиладиган икки хислат: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ деб гувоҳлик бериб ва Унга истиғфор айтасизлар. Сизлар беҳожат бўлмайдиган икки хислат: Аллоҳдан жаннатни сўрайсизлар ва Ундан дўзахдан паноҳ беришини сўрайсизлар. Кимки бир рўзадорга сув берса, Аллоҳ уни менинг ҳовузимдан суғоради - жаннатга киргунча чанқамайди”**, деб марҳамат қилдилар. *(Ибн Ҳузайма саҳиҳида ривоят қилган).*

Араб тилидан **Муслимахон ЗОҲИДЖОН қизи** таржимаси.